



ARTICLE INFO

Received: 04th January 2023

Accepted: 14th January 2023

Online: 16th January 2023

KEY WORDS

Суд қарорлари, суд қарорларини ижро этмаслик учун жавобгарлик, ундирувлар навбати, мажбурий ижро этиш чоралари, давлат ижрочиларининг иш ҳажми.

СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ: ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ БИЛАН ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Бозоров Мақсудали Махмудович

Тошкент давлат юридик университетининг
Ихтисослаштирилган филиали Жиноят-ҳуқуқий
Фанлар кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7539759>

ABSTRACT

Ушбу мақолада муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикасида суд қарорларини ижро этмаслик учун жавобгарлик, Ўзбекистон Республикасида суд қарорларини ижро этмаслик учун жавобгарлик, унинг оқибатлари ва сабаблари таҳлил қилинди; ижро этувчи ҳаракатларнинг ҳуқуқий табиати аниқланди; ижро этувчи ҳаракатларга қўйиладиган талаблар аниқланди; хорижий давлатларда ижро этувчи ҳаракатларни амалга ошириш хусусиятлари кўриб чиқилди соҳадаги муаммо ва камчиликлар, уларни бартараф қилиш йўллари хусусида сўз юритилган. Шунингдек, бир қанча таклиф ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар мажмуасида суд-ҳуқуқ ислохотлари, хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш борасида амалга ошириб келинаётган ишлар алоҳида муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, жамиятнинг фаровонлиги ва демократиянинг устуворлиги аввало, жамиятда тартиб-қонданинг ҳукмронлиги билан боғлиқ бўлиб, ушбу жараёнда нафақат жамиятда мавжуд қонунларнинг мукамаллиги, уларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши ва назорати, шу билан бирга инсон ва фуқароларнинг мавжуд тартиб-қоидалар, қонунларни тан олиши, уларга онгли равишда риоя қилиши, бўйсунishi, ижроси жараёнида бевосита фаол иштирокчи бўлиши ҳам ҳал қилувчи муҳим омиллардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида асосан ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатланиши белгиланган.

Шунингдек, 114-моддасида суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги қайд этилган.

Шу билан бирга Бош қомусимизнинг 43-моддасида давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашлиги назарда тутилган.



Ушбу нормаларни амалда тўлиқ руёбга чиқариш учун нафақат мустақил, холис ҳамда адолатли суд, балки **суд қарорларини тўлиқ ижро этилишини таъминлаш учун ваколатли органлар** ҳамда суд қарорлари ижросини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари ҳам аниқ белгиланиши лозим бўлади.

Чунки, суд қарорларини ижро этиш механизмлари амалда тўлиқ ишламаса, одил судловга мурожаат қилиш ҳам маъносиз бўлиб қолади.

Бир неча асрлар давомида бирон-бир давлат суд ҳужжатларини мажбурий равишда қўлламасдан эркин ижро этишига эриша олмади, чунки мавжуд қарздорликни қайтариш ёки мажбуриятларни бажариш учун пул ёки мол-мулкни ихтиёрий равишда бериш ҳамон фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятининг ажралмас қисмига айланмаган.

Ушбу позиция Европа инсон ҳуқуқлари судининг бир қатор қарорларида акс эттирилган бўлиб, унда “агар давлатнинг ҳуқуқий тизими қонуний кучга кирган суд қарорини бир томонга нисбатан бекор қилишга рухсат берган бўлса, одил судловга кириш ҳуқуқи хаёлий бўлар эди” деб белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Мамлакатимизда суд ҳужжатларини ижро этиш фаолиятини жадал ривожлантириш борасида қатор изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилди, соҳа фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган Давлатимиз раҳбарининг бир қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишлари амалга оширилди.

Соҳадаги қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилиши таъминланди.

Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, **соҳада ҳал этилиши лозим бўлган айрим муаммолар мавжуд**. Хусусан:

биринчидан, Жиноят кодексида суд ҳужжатларини ижро этмаслик учун жавобгарлик белгиланган бўлсада, **мулкий ижро ҳужжатлари ва бошқа ваколатли органлар ҳужжатларини** ижро этмаслик учун жавобгарликлар назарда тутилмаган. Шунингдек, Мазкур ижро ҳужжатлари бўйича **қарздорларга нисбатан** фақат Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 198¹-моддасида асосан жарима қўлланилганидан сўнг ҳам қарздор томонидан суд қарори бажарилмаган тақдирда қарздорга нисбатан **бошқа жазо чораси** (такроран маъмурий ёки Жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан) қўлланилиши кўрсатилмаган.

Мисол учун, Суднинг қарорига асосан қарздордан **500 млн сўм** қарз ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати юзасидан қарздорга нисбатан маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг унга нисбатан мажбурий ҳаракатлари олиб борилсада, бошқа жазо чоралари қўлланилиши назарда тутилмаган.

Бу ўз навбатида мазкур тоифадаги суд ижро ҳужжатларнинг тўлиқ ижро этилмасдан қолишига ҳамда одил судловни тўлиқ таъминланмаслигига сабаб бўлмоқда.

Шу билан бирга, Жиноят кодекси ва “Судлар тўғрисида”ги Қонунда “**суд ҳужжатлари**” деганда айнан қандай суд ҳужжатлари назарда тутилаётганлигига ҳам



аниқлик киритилмаган. Мазкур муносабатлар Олий суднинг Пленум қарори билан тартибга солиниб келинмоқда. Хусусан, Олий суд Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги 7-сонли “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори билан Жиноят кодексининг 232-моддаси диспозицияда назарда тутилган **“суд ҳужжати”** деганда қонуний кучга кирган суд буйруғи, ажрим, қарор, ҳал қилув қарори, ҳукм тушунилиши лозим деб белгиланган.

Бундан ташқари, мазкур моддада **Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суднинг қарорини ижро этмаслик учун** жавобгарлик масалалари ҳам назарда тутилмаган.

Ҳолбуки, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 73-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ Конституциявий суднинг қарорига кўра Конституцияга мувофиқ эмас деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми ўзининг амал қилишини тугатади. Мазкур модданинг учинчи қисмига мувофиқ Конституцияга мувофиқ эмас деб топилган ҳужжатни қабул қилган давлат органи ўз ҳужжатини Конституциявий суднинг қарори асосида бир ойдан кечиктирмай Конституцияга мувофиқлаштириши кераклиги қайд этилган.

Шунингдек, ЖКда суд қарорларини жиноий иш юритуви давомида тўлиқ бартараф қилганлик учун озодликдан маҳрум қилишни назарда тутувчи жавобгарлик қўлланмаслигига доир **рағбатлантирувчи нормалар** ҳам назарда тутилмаган.

Мазкур масалада **хорижий давлатларнинг тажрибалари** ўрганилганда суд ҳужжатлари тушунчасига тўлиқ таъриф берилганлиги, бошқа органлар ҳужжатларни ижро этмаслик учун ҳам жавобгарлик назарда тутилганлиги ҳамда мазкур соҳадаги мавжуд муносабатлар аниқ белгиланганлигини кўриш мумкин.

Мисол учун, Украина Жиноят кодексининг **382-моддасининг 1-қисмида суд ҳукмини, қарорини, қонуний кучга кирган суд қарорини қасддан бажармаслик ёки уларни амалга оширишга тўсқинлик қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлса, 4-қисмида эса мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг қарорини қасддан бажармаганлиги, Украина Конституциявий судининг қарори ва Украина Конституциявий судининг ҳулосасини қасддан бажармаганлиги учун жавобгарлик белгиланган.**

Шунингдек, Қозоғистон Республикасининг Жиноят кодексининг 430-моддасига асосан олти ойдан кўпроқ вақт давомида қонуний кучга кирган ҳукми, суд қарорини ёки бошқа суд ҳужжатини ёки ижро ҳужжатини бажармаслик, шунингдек уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлса, мазкур модданинг 4-қисмида ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган ва суд ҳукми чиқарилишидан олдин қарзнинг тўлиқ миқдорини тўлаган шахсга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслигига қаратилган **рағбатлантирувчи норма** мавжуд.

Озарбайжон Республикасининг Жиноят кодексининг 306-моддасининг 1-қисмида “Суднинг қонуний кучга кирган қарори, ҳукми, қарори ёки буйруғини бажармаслик, шунингдек уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилиш учун



жавобгарлик белгиланган” бўлса, мазкур модданинг 3-қисмида эса қилмишларни содир этган шахс, ушбу Кодекснинг 1 ёки 2-қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар билан боғлиқ ҳукм қонуний кучга киргунга қадар қонуний кучга кирган қарор, ҳукм, қарор ёки суд буйруғини тўлиқ бажарса, **жиноий жавобгарликдан озод қилинишига қаратилган рағбатлантирувчи нормалар** назарда тутилган.

Иккинчидан, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ундирувлар навбати фуқароларимизнинг манфаатларидан давлат манфаатларини устун қўйилган ҳолда белгиланган. Бу аксарият ҳолатларда биринчи навбатда фуқароларимизнинг пул маблағларини ундирилмасдан қолишига ҳамда уларнинг асосли кўплаб мурожаатларини ортишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, мазкур механизмлар фуқароларимиз ҳуқуқларини давлат томонидан кафолатлаш принципларига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Хусусан, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 80-моддасида ундирувлар навбати кўрсатилган бўлиб унга мувофиқ, қуйидагилар:

Биринчи навбатда: бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича талаблар; меҳнатга оид муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар; алиментлар ундириш бўйича талаблар; муаллифлик шартномалари бўйича ҳақларни тўлаш бўйича талаблар; ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш бўйича талаблар; адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам ҳақини тўлаш бўйича талаблар қаноатлантирилади.

Иккинчи навбатда: ижтимоий суғурта бўйича талаблар; жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш бўйича талаблар қаноатлантирилади.

Учинчи навбатда мажбурий суғурта органларининг талаблари қаноатлантирилади.

Тўртинчи навбатда кредиторларнинг мол-мулк билан таъминланган талаблари қаноатлантирилади.

Бешинчи навбатда кредиторларнинг мол-мулк билан таъминланмаган талаблари қаноатлантирилади.

Олтинчи навбатда қолган барча талаблар қаноатлантирилади.

Қарздорга бир неча талаблар (ижро ҳужжатлари) бўйича солинган ижро йиғимлари ушбу модданинг биринчи — олтинчи қисмларида белгиланган тегишли талабни қаноатлантириш учун мўлжалланган кетма-кетликка мувофиқ ундирилади. Бунда қарздорга номулкий хусусиятдаги ижро ҳужжатлари бўйича солинган ижро йиғимлари, шунингдек қонунда белгиланган муддатда реализация қилинмаган мол-мулк мулкый хусусиятдаги ижро ҳужжатлари бўйича ундирувчига ўтказилган ҳолларда биринчи навбатдаги талабларга тенглаштирилади.



Ваҳоланки, Конституциямизнинг 2-моддасида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдир дея қатъий белгиланган.

Шунингдек, 2022 йилнинг 20 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашуви давомида *“Янгиланган Конституция мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, умуман, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратиши лозим.*

Бир сўз билан айтганда, “Инсон қадрини учун” ғоясини ҳамда ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган “Инсон-жамият – давлат” деган ёндашувни Конституциямизнинг мазмун-моҳиятига чуқур сингдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантиришимиз зарур. Яъни, инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши керак.” дея таъкидлаб ўтди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 14-мақсадида ҳам Қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш назарда тутилган.

Мазкур соҳада хорижий давлатларнинг тажрибалари ўрганилганда аксарият давлатларда ундирувлар навбатида халқ манфаатлари олдинги ўринларда туришини кўришимиз мумкин.

Мисол учун, Россия Федерациясининг “Ижро ишларини юритиш тўғрисида”ги Қонунининг 111-моддасида қуйидагилар назарда тутилган.

1. Қарздордан ундириб олинган пул суммаси ижро ҳужжатларидаги талабларни тўлиқ қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда, кўрсатилган сумма ижро ҳужжатларини тақдим этган ундирувчилар ўртасида тегишли ҳужжатлар тарқатилган куни тақсимланади. пул миқдори, қуйидаги тартибда:

- 1) **биринчи навбатда**, алимент ундириш, соғлиққа этказилган зарарни қоплаш, боқувчисининг ўлими билан боғлиқ зарарни қоплаш, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш, шунингдек маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги даъволар;
- 2) **иккинчи навбатда**, ишдан бўшатиш нафақаси ва меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган (ишлаган) шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, шунингдек интеллектуал фаолият натижалари муаллифларига ҳақ тўлаш тўғрисидаги даъволар қаноатлантирилади;
- 3) **учинчидан, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга** мажбурий тўловлар бўйича талаблар қаноатлантирилади;
- 4) **тўртинчидан**, бошқа барча талаблар қаноатлантирилади.

Молдова Республикасининг 2004 йил 24 декабрдаги Ижроия кодексининг 145-моддасида ундирувлар навбати назарда тутилган бўлиб, у 3 та тоифадан иборат бўлиб, давлат бюджетларига ундирувларини 2-навбатда эканлиги белгиланган.



Мазкур навбатларни, яъни инсон манфаатлари ундирувлар давомида устуворлигини бошқа давлатларда ҳам хусусан, Қозоғистон Республикаси, Украина, Беларус, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбайжон ва бошқа давлатларнинг қонунчилигида ҳам кўриш мумкин.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси . Т.: Ўзбекистон, 2022 .
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси Т.:Adolat, 2022.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги № 258-II сонли Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., № 21, 145- модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2009 йил
5. 10 апрелдаги 7-сонли “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори
6. Maqsudali Maxmudovich Bozorov (2022). GUMON QILINUVCHI VA AYBLANUVCHIGA HIMOYALANISH HUQUQI KAFOLATLARINI TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI. Central Asian Academic Journal of Scientific Research, 2 (7), 56-61.
7. Maxmudovich, B. M., & temur Rovshan o'g'li, A. (2022). Problems of Realization of the Sovereignty of the Institute" Habeas Corpus Act" in the Criminal Procedure. Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities, 11, 46-50.
8. Bozorov, M. M. (2022). JINOYAT HUQUQIDA JAZONI OG 'IRLASHTIRUVCHI HOLATLARNI QO 'LLASHNI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(7), 46-54.
9. Mahmudovich, B. M. (2022). THE CONCEPT OF CRIME AND THE CLASSIFICATION OF ITS FEATURES. Conferencea, 21-23.
10. Maqsudali Maxmudovich Bozorov GUMON QILINUVCHI VA AYBLANUVCHIGA HIMOYALANISH HUQUQI KAFOLATLARINI TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI // Central Asian Academic Journal of Scientific Research. 2022. №7. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/gumon-qilinuvtchi-va-ayblanuvtchiga-himoualanish-huquqi-kafolatlarini-takomillashtirish-istiqbollari> (дата обращения: 24.11.2022).